

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ХОШИМОВ САРДОРБЕК НЕЪМАТЖОН ЎҒЛИ**

**СУВ ОМБОРЛАРИНИ ЛОЙҚА ЧЎКИНДИЛАРДАН ТОЗАЛАШ  
УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ЧОРТОҚ СУВ ОМБОРИ  
МИСОЛИДА)**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Хошимов Сардорбек Неъматжон ўғли**

Сув омборларини лойқа чўкиндилардан тозалаш усулини  
такомиллаштириш (чортоқ сув омбори мисолида)..... 3

**Хошимов Сардорбек Неъматжон угли**

Совершенствование метода очистки водохранилищ от заиления (на  
примере Чартакского водохранилища)..... 23

**Xoshimov Sardorbek Nematjon ugli**

Improving the method of cleaning reservoirs from siltation (on the example  
of the Chartak reservoir)..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ХОШИМОВ САРДОРБЕК НЕЪМАТЖОН ЎҒЛИ**

**СУВ ОМБОРЛАРИНИ ЛОЙҚА ЧЎКИНДИЛАРДАН ТОЗАЛАШ  
УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ЧОРТОҚ СУВ ОМБОРИ  
МИСОЛИДА)**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHd)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1. PhD/Г2162 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Арифжанов Айбек Мухамеджанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Файзиев Хамитхон**  
техника фанлари доктори, профессор

**Маликов Зафар Маматкулович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат транспорт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019. Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг « 14 » декабрь 2021 й. соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй.Тел. (+99871)-237-22-67, факс: 237-54-79, e-mail:admin@tiiame.uz.

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (102 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) -237-19-45. e-mail: admin@tiiame.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил « 15 » декабрь кунин тарқатилди.  
(2021 йил « 15 » декабрь даги № 102 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З. Султанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.А. Гаппаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий ёрдамчи, т.ф.д., доцент

**Д.Р.Базаров**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш мақсадида кўплаб сув омборлари бунёд этилган. Сўнги йилларда глобал иқлим ўзгариши, даврий равишда кузатилаётган сув танқислиги сабабли иқтисодийнинг кўпгина тармоқларида қатор муаммолар юзага келмоқда. Республикамизда 70 дан ортиқ сув омборлари мавжуд бўлиб, йиллар давомида сув омбори қосасига лойқа чўкиндилар чўкиши ҳисобига уларнинг фойдали ҳажми қисқариб, сув ресурслари захираси камайиб бормоқда. Шу жиҳатдан сув омборлари фойдали ҳажмини аниқ баҳолаш, лойқа чўкиндилардан тозалаш технологияларини яратиш, аниқ чора тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда эксплуатация даврини узайтириш масалалари долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида, жумладан Россия, Хитой, Хиндистон, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австрия, Нидерландия, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда сув омборларида бўлаётган гидравлик ва гидрологик жараёнларни баҳолаш, сув миқдори ҳисобини тизимли амалга ошириш, истеъмолчиларни сув билан таъминлаш ишончилигини ошириш ҳамда сув омбори иншоотлари мустахкамлиги ва хизмат муддатларини ошириш, уларнинг эксплуатация даврини узайтириш борасида олиб борилаётган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз иқтисодий ахволини яхшилаш учун сув хўжалиги муаммоларини эътиборга олиб, Президент томонидан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясида, жумладан “сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш”<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан сув омборларини гидравлик ва гидрологик параметрларини баҳолашда инновацион технологиялардан фойдаланиш асосида лойқа чўкиндилар ҳажмини аниқ баҳолаш, сув омборини лойқа чўкиндилардан тозалашнинг илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган назарий ҳисоблаш усуллари ҳамда уларни лойқа чўкиндилардан тозалашнинг иқтисодий самарадор такомиллашган усулини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони ва 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сув омборларининг лойқа чўкиндилар билан тўлиши, сув балансининг ҳисоблари ва сув омборларини фойдали ҳажмининг ўзгаришининг назарий асосларини ишлаб чиқиш билан кўплаб олимлар А.Б.Авакян, С.Т.Алтуни, М.А.Великанов, А.В.Караушев, А.Н.Гостунский, И.А.Кузьмин, И.И.Леви, М.А.Мостков, Г.И.Шамов, И.А.Шнеер, В.С.Лапшенков, А.М.Муҳамедов, К.Ш.Латипов, Т.Тейлор, И.А.Бузунов, В.А.Скрыльников, Х.А.Исмагилов, Ф.Ш.Муҳамеджанов, Э.Ж.Махмудов, М.Р.Бакиев, Ф.Хикматов, А.М.Арифжанов, Ф.А.Гаппаров, М.Р.Икрамова, Г.Давронов, И.А.Ахмедходжаева, Т.У.Апакхужаева, N.L.Poff, R. Poppel, S.A.Kantoush, Y.G.Lai, B.N.Eustis, D.S.Van Maren, S.Heaven, T.Tanto, D.Rycroft ва бошқалар шуғулланган ва маълум ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда ўтказилган кўплаб тадқиқотларга қарамадан сув омборларида лойқаланиш ҳажмини баҳолаш, чўкиндилар тақсимооти ҳисоби усулларини такомиллаштириш масалалари ҳамда лойқа чўкиндилардан сув омборларини тозалашнинг ресурс тежамкор ва иқтисодий самарадор усулларини ишлаб чиқиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 1.25 «Ирригация тизимлари, гидротехника иншоотлар ва сув омборларидан фойдаланишнинг гидравлик ва гидрологик асосларини ишлаб чиқиш» (2016-2020) мавзусидаги илмий лойиҳаси, № КХА-Атех-2018-69 «Ўзанларда эрозион ва аккумулятив жараёнларни баҳолаш технологиясини геоахборот тизимларидан (ГАТ) фойдаланиб ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мавсумий бошқарилувчи сув омборларида оқим ҳажмининг ўзгарувчанлигини инобатга олиб лойқа чўкиндилардан тозалаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сув омборларида лойқаланиш жараёнларини гидравлик ва гидрологик таъсирини инобатга олиб таҳлил қилиш;

табiiй дала шароитида сув омборида лойқаланиш жараёнини ва морфометрик параметрларини тадқиқоти;

сув омборини лойқа чўкиндилардан тозалаш усулини оқизиклар фракцион таркибини ҳамда оқим ҳажмининг ўзгарувчанлигини инобатга олиб

ишлаб чиқиш;

сув омборларидан самарали фойдаланиш, лойқа босиш жараёнларини камайтириш ҳамда тозалаш усулини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Наманган вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги Чортоқ ўзан сув омбори олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни сув омборларини лойқа чўкиндилардан тозалашнинг гидравлик ва гидрологик жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида гидравлика ва гидрологияда умум қабул қилинган методлар бўйича фойдаланиб табиий дала шароитида тадқиқотлар олиб борилган, тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар тизимли таҳлил этилган ҳамда умумлаштиришда математик статистика усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сув омборлари фойдали ҳажмининг ўзгаришини аниқлаш усули сув омборларидаги лойқа чўкиндиларни фракцион таркибини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида сув омборидаги лойқаликни фракцияларга ажратиб бошқаришнинг гидравлик модели ишлаб чиқилган;

сув омбори косасидан чиқаётган оқизиклар миқдорини ҳисоблаш усули сув сатҳининг ўзгарувчанлини инобатга олиб такомиллаштирилган;

мавсумий сув омборларини лойқа чўкиндилардан гидравлик тозалаш усули йил давомида сув ҳажмининг ўзгарувчанлигини, ҳамда оқим потенциал энергиясини инобатга олиб ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сув омборлари сув баланси элементларини ҳисобга олган ҳолда, сув омборини морфометрик элементлари аниқланган;

сув омборларида лойқа чўкиндилар миқдорини баҳолашда замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

сув омборларида лойқа босишни камайтириш ва лойқа чўкиндилардан тозалаш усули такомиллаштирилган;

сув омборларини лойқа чўкиндилардан тозалашда ресурс тежамкор, иқтисодий самарадор усуллардан фойдаланиш технологияси тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишда умум қабул қилинган механика қонунлари ва синовдан ўтган математик усулларга асосланганлиги, олинган натижаларни ўтказилган дала тадқиқотлари натижалари билан солиштирилганлиги, маълумотларни таҳлил қилишда математик статистика услубларидан фойдаланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сув омборларида лойқаланиш жараёнларини сув омбори косасида сув ҳажмининг ўзгаришини ва оқизикларнинг фракцион таркибини инобатга олиб такомиллаштирилганлиги, оқизиклар баланс тенграмасидан фойдаланиб лойқаликни бошқарувчи қурилманинг

конструктив параметрларини асосланганлиги, ҳамда сув омбордаги оқимнинг потенциал энергиясини инобатга олиб, сув омборини лойқаликдан гидравлик тозалаш усули такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув омбори фойдали ҳажмини замонавий ўлчов воситаларидан фойдаланиб аниқлаш бўйича тавсиялар берилганлиги, табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида сув омборидаги лойқаликни фракцияларга ажратиб бошқариш учун тиндиргич конструкцияси таклиф этилганлиги, сув омборларини лойқа чўкиндилардан гидравлик тозалаш усули сув ҳажмининг ўзгарувчанлигини, ҳамда оқим потенциал энергиясини инобатга олиб ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сув омборларини лойқа чўкиндилардан тозалаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

сув омборида сув балансини ташкил этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда замонавий ўлчов воситаларидан фойдаланиб фойдали ҳажмини аниқлаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Наманган вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига жорий этишга тавсия этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 сентябрдаги ГН02402647-сон маълумотномаси). Натижада лойқа чўкиндиларни миқдорини аниқ баҳолаш ва сув омбори фойдали ҳажмини ошириш имконияти яратилган;

сув омборларида лойқа чўкиндиларнинг фракцион таркибини инобатга олиб лойқаланиш жараёнларини камайтириш қурилмасининг конструктив параметрларини ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Наманган вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига жорий этишга тавсия этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 сентябрдаги ГН02402647-сон маълумотномаси). Натижада сув омборларини лойқа босишдан ҳимоялаш ҳамда сув омборидаги лойқаликни фракцияларга ажратиб бошқариш имконияти яратилган;

сув омборларини лойқа чўкиндилардан тозалаш ва фойдали ҳажмини оширишда сув сатҳи ўзгарувчанлигини инобатга олиб такомиллашган сув ости гидроэлеватори ва ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Наманган вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига жорий этишга тавсия этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 сентябрдаги ГН02402647-сон маълумотномаси). Натижада сув омборини лойқаликдан тозалаш жараёнида оқим потенциал энергиясидан фойдаланиш ҳисобига ташқаридан қўшимча энергия талаб этилмайди, бу эса сув омборларини лойқаликдан тозалашда сарфланадиган ресурсларни иқтисод бўлишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Scopus базасида индексацияланган конференцияларда 3 та, Ўзбекистон Республикаси Олий



аттестация комиссиясининг диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг зарурлиги ва мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазибалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари баён этилган, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, ишончлилиги асосланган, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сув омборларини лойқа чўкиндилардан тозалаш усуллари тадқиқотига доир изланишлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобда сув омборлари фойдали ҳажмини ўзгариши, сув омборларида лойқа чўкиндиларни шаклланиши ва уларни тозалаш бўйича назарий ва амалий тадқиқотларининг таҳлили келтирилган. Сув омборларида лойқа чўкиндилар шаклланишининг назарий асослари ва уларни ҳисоблаш усуллари А.Б.Авакян, С.Т.Алтунин, М.А.Великанов, А.В.Караушев, А.Н.Гостунский, И.А.Кузьмин, М.А.Мостков, Г.И.Шамов, И.А.Шнеер, В.С.Лапшенков, И.А.Бузунов, Х.А.Исмагилов, Ф.Ш.Муҳамеджанов, Э.Ж.Махмудов, М.Р.Бакиев, Ф.Хикматов, А.М.Арифжанов, Ф.Гаппаров, М.Икрамова, И.А.Ахмедходжаева, Т.У.Апакхужаева каби кўплаб олимлар илмий тадқиқот ишларида келтирилган.

Сув ҳавзаларини лойқа чўкиндилардан тозалашнинг гидравлик ва гидромеханик усуллари И.И.Леви, А.М.Муҳамедов, К.Ш.Латипов, В.С.Скрыльников, А.М.Арифжанов, Ф.Гаппаров, М.Икрамова, Г.Давронов, К.Рахимов, Л.Самиев ва бошқалар ишларида баён этилган бўлиб, кичик ва ўрта сув омборларида лойқа чўкиндиларни тозалашда қўшимча иншоотлар қурилишини, лойқа чўкиндиларни гидромеханик тозалашда қўшимча механизмлардан фойдаланиш бўйича таклифлар келтирилган. Юқоридаги таҳлиллар асосида сув омборини лойқаликдан самарали тозалаш усуллари ишлаб чиқишда сув омборидаги оқим ҳажмини ва сув сатҳини ўзгарувчанлигини эътиборга олиш лозимлиги асосланди.

Сув омборларини табиий ва антропоген омиллар таъсирида лойқаланиши ва сув омборларидаги лойқа чўкиндилар ҳажмини аниқлашда қатор усуллар ишлаб чиқилган. Бу усулларни қуйидаги жиҳатларини таъкидлаш мумкин. Табиий дала тадқиқотлари натижалари бўйича, сув омборида лойқа чўкиндилар миқдорини аниқлашда сув омбори оқимининг


ташувчанлик қобилияти бўйича, сув омборларидаги лойқа чўкиндилар миқдорини оқим гидравлик ва гидрологик параметрларини ўзгариб боришини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш усуллари мавжуд булиб, бу изланишларда замонавий техника ва технологиялардан кенг фойдаланиб олиб бориш ижобий натижаларни берди.

Юқорида баён этилган ишлар тахлилидан маълум бўлмоқдаки республиканинг турли ҳудудларида фойдаланиб келинаётган ўзанли ва қуйилма сув омборларини лойқа чўкиндилардан тозалашнинг иқтисодий самарадор асосий икки усули, гидравлик ва гидромеханик усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказишни тақозо этмоқда. Юқоридаги таҳлиллар асосида ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертация ишининг **“Сув омборида лойқаланиш жараёнини баҳолаш бўйича табиий дала шароитидаги тадқиқотлар”** деб номланган иккинчи бобида йиллар давомида сув омбори фойдали ҳажмининг лойқаланиш натижасида ўзгариб бориши, сув омбори косасининг шаклланиши ва лойқа чўкиндилар миқдорини сув омборида тақсимланишини, дарё оқизикларининг фракцион таркибининг ўзгариши бўйича табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида Чортоқ ўзан сув омбори танлаб олинган. Лойиҳавий маълумотлар бўйича сув омбори тўла ҳажми 30 млн.м<sup>3</sup>, фойдали ҳажми 28,6 млн.м<sup>3</sup>, фойдасиз сув ҳажми 1,4 млн.м<sup>3</sup> ни ташкил қилади ва вилоятдаги 5,1 минг.га экин майдонларини сув билан таъминлашда хизмат қилади.


Табиий дала шароитидаги тадқиқотларда сув омборининг гидравлик ва гидрологик параметрларининг ўзгариши йиллар давомида аниқланди. Чортоқ ўзан сув омбори косаси параметрларининг шаклланиши ҳамда лойқа чўкиндилар миқдорини аниқлаш мақсадида сув омборининг узунлиги бўйича ҳарактерли створлар белгилаб олинди (1-расм). Ҳар бир створда сув омборининг гидравлик параметрлари, оқизиклар миқдори бўйича маълумотлар олинди.

Белгиланган створларда ўлчов ишларини бажаришда янгича усул билан ёндашиб, замонавий технологиялардан фойдаланилди. Табиий дала тадқиқотларини замонавий ўлчов асбобларидан фойдаланиб олиб бориш натижалар аниқлигини оширади. Ўлчов ишлари сув омборида сув сатҳининг ўзгаришининг ҳар хил даврларида олиб борилган. Сув омбори сувли қисмини гидравлик ва гидрологик параметрларини аниқлашда замонавий “SonTek-RiverSurveyor S5” маркали доплердан фойдаланилди, ҳамда сувсиз қуриклик қисмида геодезик ўлчов воситалари, “Leica FlexLine TS06” маркали тахеометрдан ва нивелиридан фойдаланиб табиий дала тадқиқотлари амалга оширилди.




**1-расм. Сув омборининг характерли створлари**

Табий дала тадқиқотлари давомида ўлчанган маълумотлар компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилди. “SonTek-RiverSurveyor S5” маркали доплер ёрдамида ўлчанган маълумотлар (2-расм) таҳлили асосида сув омборининг сувли қисмининг кўндаланг кесмининг параметрлари шакллантирилган.



**2-расм. Чортоқ сув омбори ПК 0+15 ҳамда ПК 2+00 створининг кўндаланг кесим юзалари**


Сув омборида геодезик ўлчов воситаларидан фойдаланиб олинган маълумотлар (3-расм) таҳлили асосида сув омборининг сувдан бўшаган қисмининг параметрлари шакллантирилган.



**3-расм. Чортоқ сув омборининг ПК 0+15 створининг геодезик ўлчов натижалари**


Чортоқ сув омборининг узунлиги бўйича белгилаб олинган ўн иккита характерли створларда олиб борилган ўлчов ишларида тўпланган маълумотлар асосида AutoCAD компьютер дастуридан фойдаланиб ҳар бир створнинг кўндаланг кесим юзалари масштаб асосида шакллантирилган.

Табиий дала шароитидаги тадқиқотлар бўйича Чортоқ сув омборининг ПК 0+15 створидаги ўлчов кунидаги сув сатҳи белгиси  $\nabla 681,2$ , сув сатҳидан максимал чуқурлиги  $h=4,56$  м, сув сатҳининг кенглиги  $B_1=910,82$  м, нормал димланган сатх  $\nabla 695,20$  белгисига мос келувчи сув сатҳининг кенглиги  $B=1410,8$  м, умумий кўндаланг юзаси  $\omega = 17850 \text{ м}^2$ , эканлиги аниқланди




**4-расм. Чортоқ сув омборининг кўндаланг кесими ( ПК 0+15)**

Сув омборининг ПК 4+00 створидаги кўндаланг кесим параметрлари 5-расмда келтирилган. Ўлчов натижалари бўйича сув сатҳи белгиси  $\nabla 681,2$ , сув сатҳидан максимал чуқурлиги  $h=2,73$  м, сув сатҳининг кенглиги  $B_1=870,3$  м, нормал димланган сатх  $\nabla 695,20$  белгисига мос келувчи сув сатҳининг кенглиги  $B=1350,1$  м, умумий кўндаланг юзаси  $\omega = 15320 \text{ м}^2$ , эканлиги аниқланган.



**5-расм. Чортоқ сув омборининг кўндаланг кесими ( ПК 4+00)**

Сув омборининг ПК 23+50 створидаги кўндаланг кесим параметрлари 6-расмда келтирилган. Ўлчов натижалари бўйича сув сатҳи белгиси  $\nabla 689,65$ , сув сатҳидан максимал чуқурлиги  $h=1,1$  м, сув сатҳининг кенглиги  $B_1=19,5$ м, нормал димланган сатх  $\nabla 695,20$  белгисига мос келувчи сув сатҳининг кенглиги  $B=426$  м, умумий кўндаланг кесим юзаси  $\omega = 2450$  м<sup>2</sup>, эканлиги аниқланган.




**6-расм. Чортоқ сув омборининг кўндаланг кесими ПК 23+50**

Келтирилган маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, сув омборининг морфометрик параметрлари ҳар бир створлар бўйича ўзгарувчан бўлиб, сув омбор фойдали ҳажмини аниқлашда буларни инобатга олиш лозимлиги асосланган.

Табиий дала тадқиқотлари давомида сув омбори бўйича ўлчов ишлари олиб борилиб ҳар бир створнинг гидравлик параметрлари аниқланган ва кўндаланг кесим юзаси шакллантирилган ҳамда сув омбор ҳажмини баҳолашда фойдаланилган.

Сув омборлари фойдали ҳажмини лойқа чўкиндилар билан тўлиб боришида оқим таркибидаги лойқалик миқдори ва сув сарфи муҳим аҳамият


касб этишини инобатга олиб Чортоқ сув омборининг кўп йиллик кириш ва чиқиш сув сарфлари таҳлил қилинган (7-расм).



**7-расм. Чортоқсой сув сарфининг йиллар давомида ўзгариши (сув омборига кириш қисмида)**


Тадқиқотлар давомида сув омборига кириш қисмида ва белгилаб олинган створларда оқим таркибидаги лойқа чўкиндиларнинг миқдорини аниқлаш учун намуналар олинди. Олинган намуналар лаборатория шароитида таҳлил этилган.

Лаборатория таҳлили натижаларига кўра сув омборига кириб келаётган оқим таркибидаги лойқалик миқдори ва унинг фракцион таркиби аниқланган. Тадқиқотларда сув омборида лойқаланишнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилиб, сув омбори косасида танланган створларда сув сарфининг ўзгариши билан лойқалик миқдори кескин ўзгариб бориши кузатилган. Дала тадқиқотлари йиллар давомида олиб борилди ва натижалар таҳлиliga кўра лойқалик миқдори сув омбори узунлиги бўйича ўзгарувчанлиги кузатилган (расмлар -8, 9).



**8-расм. Лойқалик миқдорининг сув омбори косасида тақсимоти (2020)**






**9-расм. Лойқалик миқдорининг сув омбори косасида тақсимооти (2021)**

Юқоридаги маълумотлар таҳлилидан маълум бўлмоқдаки новеgetация даврида сув омбори кириш қисмида лойқаликнинг катта миқдори чўкиб қолмоқда. Вegetация даври бошлангандан сўнг сув омборида сув сатҳи пасайиши билан кириш қисмида чўкиб қолган лойқа чўкиндилар оқим билан ювилиб тўғон томон сурилиб бораётгани аниқланган.

Табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида сув омборига йилига ўртача 170-180 минг м<sup>3</sup> лойқа чўкиндилар кириб келиши аниқланган. Таҳлиллар асосида сув омборига кириб келаётган ва сув омборидан чиқиб кетаётган лойқа чўкиндилар миқдори ўзаро таққосланди. Унга кўра сув омборидан чиқиб кетаётган лойқалик миқдори 0,03-0,05 г/л ни ташкил қилди. Бу миқдор кириб келаётган лойқалик миқдорининг атиги 8-10 фоизини ташкил қилади, қолган лойқалик эса сув омборида чўкиб қолади.

Сув омборидаги лойқа чўкиндиларининг фракцион таркиби лаборатория шароитида таҳлил қилинган, натижалар таҳлилидан маълум бўлмоқдаки, сув омборининг кириш қисмида 1,0-0,5 мм диаметрли заррачалар 13,98 % ни, 0,5-0,25 мм диаметрли заррачалар 11,49% ни, 0,25-0,10 мм диаметрли заррачалар 7,56 % ни, 0,10-0,05мм диаметрли заррачалар 10,48 % ни, 0,05-0,01мм диаметрли заррачалар 26,8 % ни, 0,01-0,005 мм диаметрли заррачалар 13,34 % ни, 0,005-0,002мм диаметрли заррачалар 16,42 % ни ташкил этади. Сув омборининг тўғони яқинидан олинган чўкиндиларнинг фракцион таркибининг таҳлили бўйича 1,0-0,5 мм диаметрли заррачалар 2,26 % ни, 0,5-0,25 мм диаметрли заррачалар 1,97% ни, 0,25-0,10 мм диаметрли заррачалар 1,60 % ни, 0,10-0,05мм диаметрли заррачалар 16,65 % ни, 0,05-0,01мм диаметрли заррачалар 39,31 % ни, 0,01-0,005 мм диаметрли заррачалар 14,47% ни, 0,005-0,002 мм диаметрли заррачалар 23,74 % ни ташкил этган. Створлар бўйича чўкиндиларнинг тақсимооти ҳамда улушига эътибор қаратсак 35-40 % ни йирик фракциали ( $d=0,1-1,0$  мм) заррачалар, 60-65% ни эса майда фракцияли ( $d=0,001-0,05$  мм) заррачалардан ташкил қилиши аниқланди (10-расм).



**10-расм. Сув омбори узунлиги бўйича лойқа чўкиндилар фракцион таркибининг тақсимооти**

Табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқот натижаларини таҳлили асосида Чортоқ ўзан сув омборида лойқа чўкиндилар миқдорини камайтириш ҳамда лойқа чўкиндилардан тозалашда лойқаликларни фракцияларга ажратиш бошқариш лозимлиги баён этилган.

Диссертациянинг “Сув омборини лойқа чўкиндилардан тозалаш усулини такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобида табиий дала тадқиқотлари таҳлили натижалари ва назарий изланишлар асосида дарё оқизикларини сув омборида бошқариш, лойқа чўкиндилардан тозалаш усули келтирилган.

Сув омборининг гидравлик ва гидрологик параметрларини инобатга олиб дарё оқизикларини бошқариш ва сув омборидаги лойқаланишни камайтиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишда иккита усул, биринчиси катта фракцияли дарё оқизикларини ( $d > 0,2$  мм) махсус ўрнатилган тиндиргичларда ва майда фракцияли дарё оқизикларини гидроэлеватор ёрдамида пастки бьефга ўтказиш модели қабул қилинган.

Тиндиргич сув омборининг кириш қисмида димланган сув сатҳи худудида жойлаштириш таклиф қилинган.

Тиндиргични гидравлик параметрларини асослашда бу йўналишда олиб борилган қатор олимлар И.И.Леви, В.С.Лапшенков, И.А.Шнеер, И.А.Кузьмин, А.М.Мухамедов, К.Ш.Латиповларнинг изланишларига асосланиб оқизикларнинг маълум фракцияси учун баланс тенгламаси қуйидагича ёзилган:



$$dV_i = \frac{Q_i}{\gamma} dt = \frac{\rho w_i b_l}{\gamma \omega_l} (V_l - V_i) dt ; \quad (1)$$

бу ерда:  $V_i - L$ - масофадаги лойқаланиш ҳажми;  $\omega_l - L$ - масофадаги оқим юзаси;  $b_l - L$ - масофадаги оқим эни;  $V_l - L$ - масофадаги сув омборининг ҳажми; оқизик  $w_i$  – қаралаётган чуқинди зарчасининг гидравлик йириклиги.

1-чи тенламага қуйидаги ифодани киритиб:

$$\frac{\rho w_i b_l}{\gamma \omega_l} = \frac{1}{K} ; \quad (2)$$

Маълум математик ўзгаришлардан сўнг, лойқалик ва сув омборининг ҳажмига боғлиқ равишда тиндиргич узунлигини аниқлаш учун қуйидаги ифода келтирилган:


$$L = -w_i K \cdot \ln \left( 1 - \frac{V_i}{V_l} \right) ; \quad (3)$$

бу ерда:  $K$  – лойқаланиш характеристикаси, дала тадқиқотлари асосида аниқланади. Тиндиргичнинг “ $L$ ” масофадаги чуқурлиги қуйидагича аниқланади:

$$h_i = \frac{w_i (V_l - V_i)}{Q} ; \quad (4)$$

бу ерда:  $Q$ - ўртача йиллик сув сарфи:

Сув омборига кириб келаётган лойқа чўкиндилярнинг фракцион таркибини ва оқимнинг тиндиргичда тақсимотини инобатга олиб, тиндиргич шакли планда трапеция шаклида қабул қилинган (11-расм).



11-расм. Таклиф этилаётган тиндиргичнинг схематик кўриниши

Табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида тиндиргичда сув омборига келаётган умумий лойқаликнинг 40 % гача қисми ушлаб қолиш мақсадида тиндиргичнинг конструктив параметрлари асосланган.


Тадқиқот натижаларига кўра сув омбори учун таклиф этилаётган тиндиргич ўлчамлари бўйича лойиҳалаш ва қуриш тавсия этилган.

Табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотларда, сув омборидан чиқиб кетаётган лойқалик миқдори сув сарфига ва сув омборида сув сатҳининг ўзгарувчанлигига боғлиқлиги кузатишган. Сув омборида сув сатҳи юқори белгиларда бўлганда камроқ лойқалик, сув сатҳи паст белгиларда эса лойқалик миқдори ортиши кузатишган.

Сув омборидан чиқиб кетаётган лойқалик миқдорини сув сарфи ва оқим сатҳига боғлиқлигини ифодалаш учун табиий дала шароитидаги тадқиқотларда тўпланган маълумотлар математик статистика услублари (корреляция коэффиценти  $R=0,95$  га тенг) асосида таҳлил этилган (12-расм). Олиб борилган таҳлиллар бўйича нисбий лойқаликни сув сарфига ва сув сатҳига боғлиқ ҳолда, қуйидаги боғланиш олинган:

$$S_0 = 0,0173 \cdot \left( \frac{Q_i}{Q_{\max}} \right) \cdot \left( \frac{\Delta H}{H_{\text{ндс}}} \right)^{-1,4}; \quad (5)$$

бу ерда:  $Q_i$  – сув омборидан чиқаётган сув сарфи;  $\Delta H$  – кузатув кунидagi сув сатҳи.




12-расм. Нисбий лойқаликни сув сатҳига боғлиқлиги

Юқорида олинган боғланиш асосида сув омборидан сув орқали чиқиб кетаётган лойқалик миқдори ҳисобланган. Дала тадқиқотлари натижалари ва

ҳисоблаш натижаларининг ўзаро таққослаганда орадаги фарқ 6-7 фоизни ташкил этган.

Сув омборида сув сатҳи ўзгарувчанлигини инобатга олиб майда фракцияли заррачаларни тозалаш учун сув ости гидроэлеватори тавсия этилган (13-расм). Сув ости гидроэлеваторининг конструктив параметрлари А.М.Арифжанов, Қ.Т.Рахимов, Л.Н.Самиев тавсиялари асосида шакллантирилган.



**13-расм. Лойқа чўкиндиларни тозалаш учун таклиф этилаётган сув ости гидроэлеваторининг умумий кўриниши**

Сув ости гидроэлеваторининг ўзига хос томони шундан иборатки ундан фойдаланишда ташқи энергия талаб этилмайди ва сув омборининг потенциал энергиясидан фойдаланишга асосланган.

Сув ости гидроэлеватори қувуридан ўтаётган сув сарфи қуйидагича аниқланади:

$$Q = \omega \cdot \mu \cdot \sqrt{2g \cdot H}; \quad (6)$$

бу ерда:  $\omega$  – гидроэлеватор сўрувчи қувурининг ҳаракат кесим юзаси;  
 $H$  – ишчи напор;  $\mu$  – гидроэлеватор сарф коэффициенти.

Сув омборидан гидроэлеватор орқали чиқиб кетаётган лойқа чўкиндиларининг миқдори қуйидагича аниқланади:

$$q_s = S \cdot Q; \quad (7)$$

бу ерда:  $S$  – лойқалик миқдори;  $Q$  – сўрувчи қувурдаги сув сарфи.

Юқорида келтирилган ҳисоблаш формулалари ёрдамида сув ости гидроэлеваторининг иш режими ҳамда сув омборини лойқа чўкиндилардан тозалаш ҳажми аниқланган.

Диссертациянинг “Тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш бўйича тавсиялар” деб номланган тўртинчи бобида сув омборини лойқа босиш ҳажмини замонавий технологиялар ёрдамида аниқлаш, лойқа

чўкиндилардан тозалаш усулини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва олинган натижаларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги баҳоланган.

Замонавий ўлчов асбобларидан фойдаланиб Чортоқ сув омборининг фойдали ҳажмини аниқлаш имкони яратилди. Дала тадқиқотлари натижалари таҳлилига кўра Чортоқ сув омборининг бугунги кундаги фойдали ҳажми  $V_{ф.х} = 20,72$  млн. м<sup>3</sup> ни ташкил қилиши аниқланган. Сув омборининг лойиҳавий параметрларига кўра умумий ҳажми  $V_{ум} = 30$  млн. м<sup>3</sup> ни ташкил қилади. Лойиҳавий параметрларини ўлчанган натижалар билан таққослаш орқали сув омборида ярим асрлик эксплуатация даврида  $V_{л.х} = 9.28$  млн. м<sup>3</sup> миқдордаги лойқа чўкиндилар чўкиб қолгани аниқланган. Замонавий ўлчов асбоблари ёрдамида сув омборида ўлчов ишларини олиб бориш кетма кетлиги ва ҳисоблаш ишларини бажариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Чортоқ сув омборининг гидравлик ва гидрологик параметрларини инобатга олиб лойқаликни фракцияларга ажратиб бошқаришнинг гидравлик модели такомиллаштирилган. Сув омборига кириб келаётган лойқа чўкиндиларнинг йиллик ўртача миқдори аниқланган ва улар таркибидаги йирик фракцияли лойқа заррачаларини сув омборининг кириш қисмида ушлаб қолиш учун планда трапеция шакли тиндиргич конструктив параметрлари таклиф этилган. Тиндиргич конструктив параметрларини сув омборидаги йиллик ўртача лойқалик миқдорини инобатга олиб ҳисоблаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Дарё оқизикларининг майда фракцияли заррачаларни суғориш тармоқларига узатиш ва сув омбори косасини лойқаликдан тозалаш учун сув омборидаги сув сатҳи ва оқим ҳажмининг ўзгарувчанлигини инобатга олиб сув ости гидроэлеватори тавсия этилган. Сув ости гидроэлеватори қувуридан чиқаётган лойқа чўкиндилар ҳажмини, сув омборида сув сатҳи ўзгарувчанлигини инобатга олиб аниқлаш ишлаб чиқилган. Ҳар хил сўрувчи қувур диаметрлари учун ҳисоблаш ишлари бажарилган ва сув ости гидроэлеваторининг иқтисодий қулай диаметри тавсия этилган.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида берилган тавсияларнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги баҳоланган:

Таклиф этилаётган тозалаш технологиялари орқали, яъни тиндиргични қўллаш билан сув омбори лойқа босишдан ҳимояланади, сув ости гидроэлеватори ёрдамида майда фракцияли заррачалар суғориш тармоқларига узатилади. Лойқа чўкиндиларни тозалашда оқим энергиясидан фойдаланиш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилади.

## ХУЛОСА

**“Сув омборларини лойқа чўкиндилардан тозалаш усулини такомиллаштириш (Чортоқ сув омбори мисолида)”** мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сув омборларининг лойқаланиши борасида олиб борилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар таҳлилидан маълум бўлдики сув омборларини лойқаланишини камайтиришда оқим ва дарё оқизикларининг тақсимотини ифодалайдиган омиллардан сув ҳажми ўзгарувчанлигини инобатга олиш зарурлиги асосланди.

2. Табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқот натижаларининг таҳлили асосида сув омборида юзага келган лойқаланишга таъсир этувчи омиллар сув омборининг морфометрик тавсифи, сув ҳажмининг ўзгарувчанлиги ва дарё оқизикларининг таркибий қисмига боғлиқлиги асосланди.

3. Табиий дала шароитидаги тадқиқотларни амалга оширишда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш сув омборининг гидравлик параметрларини юқори аниқликда баҳолашга эришилди. Натижада Чортоқ сув омборининг бугунги кундаги фойдали ҳажми 20,72 млн.м<sup>3</sup> ни ҳамда лойқа босган ҳажми 9,28 млн.м<sup>3</sup> эканлиги аниқланди.

4. Сув омборида дарё оқизикларининг тақсимоти қонуниятига асосланиб лойқа чўкиндилар фракцияларга ажратиб бошқарилади яъни йирик фракцияли заррачалар тавсия этилган тиндиргич ва майда фракцияли (экин майдонлари учун фойдали бўлган) заррачалар сув ости гидроэлеватори ёрдамида суғориш тармоқларига узатилади. Натижада сув омбори фойдали ҳажми лойқаликдан тозаланади ҳамда сув омборининг эксплуатация даврини узайишига хизмат қилади.

5. Сув омборида лойқаликни камайтириш бўйича таклиф этилган сув ости гидроэлеватор қурилмаси сув омборидаги сув сатҳи ўзгариши ва оқим ҳажмининг ўзгарувчанлигини инобатга олиб такомиллаштирилган. Қурилма ишлаш жараёнида оқим потенциал энергиясидан фойдаланиш ҳисобига ташқаридан кўшимча энергия талаб этилмайди, бу эса сув омборларини лойқаликдан тозалашда сарфланадиган ресурсларни иқтисод бўлишига хизмат қилади.

6. Табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида тўпланган маълумотларни математик статистика усулларида фойдаланиб таҳлили (корреляция коэффицент  $R=0,95$ ) бўйича сув омбори косасидан чиқаётган оқизиклар миқдорини ҳисоблаш усули сув сатҳининг ўзгарувчанлигини инобатга олиб такомиллаштирилган;

7. Тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Наманган вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига жорий этишга топширилди. Натижада сув омборида лойқа чўкиндиларни фракцияларга ажратиб

бошқариш ва сув омборларини лойқа босишини камайтириш ҳисобига иқтисодий самарага эришилади. Бу эса ўртача ҳисобда йилига вилоятнинг қўшимча 30-35 га экин майдонини сув билан таъминлаш имкониятини яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ХОШИМОВ САРДОРБЕК НЕЪМАТЖОН УГЛИ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ОЧИСТКИ ВОДОХРАНИЛИЩ  
ОТ ЗАИЛЕНИЯ (НА ПРИМЕРЕ ЧАРТАКСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА)**

**05.09.07 – Гидравлика и инженерная гидрология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**



Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1. PhD/T2162

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:**

**Арифжанов Айбек Мухамеджанович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Файзиев Хамитхон**  
доктор технических наук, профессор

**Маликов Зафар Маматкулович**  
доктор технических наук, профессор

**Исходящая организация:**

**Ташкентский государственный транспортный университет**

Защита диссертации состоится « 14 » января 2021 г. 14<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары-Ниязий, д.39. Тел. (+99871)-237-22-67, факс: 237-54-79, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано № 202). Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары-Ниязий, д.39.Тел.(+99871)-237-19-45. e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz).

Автореферат диссертации разослан « 25 » января 2021 года.

(протокол рассылки № 202 « 25 » января 2021 г.).



**Т.З. Султанов**  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**Ф.А. Гаппаров**  
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., доцент

**Д.Р.Базаров**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в целях рационального использования и регулирования водных ресурсов построено множество водохранилищ. В последние годы в результате глобальных изменений климата и дефицита воды, наблюдаемой периодически в отраслях экономики возникли определенные проблемы. В Республике существуют более 70 водохранилищ, в течении многих лет эксплуатации за счет осаждения наносов в чаше водохранилища сокращается полезный их объем, который уменьшает запас водных ресурсов. Поэтому точная оценка полезного объема водохранилищ, разработка мероприятий по очистке от наносов, а также вопросы продления эксплуатационного периода является актуальной проблемой.

Одним из важнейших вопросов является эффективное использование водохранилищ на основе оценки гидравлических и гидрологических процессов, происходящих в водохранилищах, надежное обеспечение потребителей водой, точная оценка полезного объема и повышение прочности гидротехнических сооружений. В этой связи, во многих странах, в том числе в России, Китае, Индии, США, Германии, Австрии, Великобритании, Нидерландии, Узбекистане и в других развитых странах особое внимание уделяется эффективному использованию водохранилищ, повышению надежности и срока службы сооружений, а также продлению их эксплуатационного периода.

Их для улучшения экономического состояния страны, уделяя большое внимание водохозяйственным проблемам, Президентом в концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы, намечены задачи в том числе «Обеспечение надежной работы, а также безопасности водохранилищ, селевых водохранилищ и других водохозяйственных объектов».<sup>1</sup> В концепции, обр атив большое внимание на инновационные технологии в развитии водного хозяйства намечен ряд задач. При решении данных задач в том числе, при оценке гидравлических и гидрологических параметров водохранилищ, на основе использования инновационной технологии точная оценка объема наносов, методы теоретического расчета, имеющего научное и практическое значения очистки водохранилищ от наносов, а также разработка экономически эффективного усовершенствованного метода очистки от наносов является одним из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит решению задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП 4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 17 июня 2019 года №УП-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» и от 10 июля 2020 года №УП-6024 «Об утверждении Концепции

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6024 от 10 июля 2020 года «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»

